



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي تَكَرَّمَ عَلَى الْعَالَمِينَ بِدِينِ الْإِسْلَامِ، وَجَعَلَ السَّمَاخَةَ فِيهِ مَنْهَجًا لِلْأَنَامِ، وَالصَّلَاةَ وَالسَّلَامَ عَلَى سَيِّدِنَا مُحَمَّدٍ الَّذِي بَيَّنَّ الْأَحْكَامَ وَعَلَى آلِهِ وَصَحْبِهِ أَجْمَعِينَ، أَمَّا بَعْدُ

ИСЛОМДА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК МАСАЛАСИ

Мухтарам жамоат! Инсоният тарихига назар ташласак, қайси жамиятларда аҳиллик, биродарлик, ўзаро ҳамжиҳатлик жорий бўлса, тараққиёт, раванқ ва эл осойишталиги-ю халқ фаровонлиги ҳукм сурган. Аксинча, қай бир жамиятда мурасасизлик, ўзаро хусумат кучайса, бундай жамиятларда уруш ва можаролар авж олган, юрт вайрон, эл пароканда бўлган.

Шукрлар бўлсинки, халқимизнинг қон-қонига миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик сингиб, айна пайтда юртимизда 130 дан зиёд турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатликда тинч-тотув яшаб келмоқдалар.

Маълумки, Исломда миллат ажратиш йўқ. Кишиларни миллатига қараб ажратиш жоҳиллик ва илмсизлик ҳисобланади. Чунки саҳобаи киромларнинг ҳам ораларида турли миллатга мансуб зотлар бор эдилар. Масалан, машҳур саҳобаи киромлардан Салмони Форсий разияллоҳу анху форс, Билол Ҳабаший разияллоҳу анху ҳабаш миллатига мансуб бўлганлар. Суҳайб Румий разияллоҳу анху эса, румлик бўлганлар.

Исломда барча миллат ва элатларнинг тенг ҳуқуқчилиги, муқаррамлик фақат тақвода экани ҳақида Қуръони каримда шундай марҳамат қилинади:

يَا أَيُّهَا النَّاسُ إِنَّا خَلَقْنَاكُمْ مِنْ ذَكَرٍ وَأُنْثَى وَجَعَلْنَاكُمْ شُعُوبًا وَقَبَائِلَ لِتَعَارَفُوا إِنَّ أَكْرَمَكُمْ عِنْدَ اللَّهِ أَتْقَاكُمْ
إِنَّ اللَّهَ عَلِيمٌ خَبِيرٌ (سُورَةُ الْحُجُرَاتِ/13).

яъни: “Эй инсонлар! Дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл (Ҳавво)дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишишингиз учун сизларни (турли-туман) халқлар ва қабила (элат)лар қилиб қўйдик. Албатта, Аллоҳ наздида (энг азизу) муқаррамроғингиз тақводорроғингиздир. Албатта, Аллоҳ билувчи ва хабардор зотдир” (Хужурот сураси, 13-оят).

Демак, биз қайси миллат ва элат вакили бўлишимиздан қатъий назар бир ота-онанинг фарзандлари эканмиз. Мана шу нарсани эсимиздан чиқармаслигимиз лозим.

Суюкли Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам бағрикенгликда ҳам барчага намуна бўлганлар. Қуйида У зотнинг муборак тарихларидан бағрикенгликларига оид баъзи маълумотларни келтирамиз:

➤ Имом Бухорий ва Имом Муслим келтирган ривоятга кўра, бир яҳудий аёл Расулуллоҳга заҳар солинган қўй гўшти берди. Аёл бу ишини тан олиб, қилмишига иқроп бўлганидан кейин Расуллуллоҳ алайҳиссалом қасос олишга қодир бўла туриб уни кечириб юбордилар. Чунки У зот алайҳиссалом ўзлари учун ўч олмасдилар.

➤ Ухуд кунида олд тишлари синиб, юзлари қонга беланди, бу ҳолат саҳобаи киромларга жуда оғир ботди. Ҳатто айримлари: “Уларни дуоибад қилсангиз-чи?” дейишгача бордилар. Шунда У зот:

"إِنَّ اللَّهَ لَمْ يَبْعَثْنِي طَعَانًا وَلَا لَعْنًا، وَلَكِنْ بَعَثَنِي دَاعِيًا وَرَحْمَةً لِّلَّهِمْ أَهْدِي قَوْمِي فَإِنَّهُمْ لَا يَعْلَمُونَ" (رواه الإمام البيهقي)

яъни: **“Мен лаънатловчи қилиб эмас, даъват этувчи ва раҳмат қилиб юборилганман. Ё Аллоҳ! Уларни тўғри йўлга бошла, албатта улар билмайдилар”**, – дедилар (Имом Байҳақий ривоятлари).

Бағрикенгликни қарангки, шунча озор берган одамлар ҳаққига дуои хайр қиляптилар. Ваҳоланки, дуолари ижобат эди. Нимани сўрасалар Аллоҳ берадиган Зот эдилар.

➤ Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларидан жаноза ўтиб қолди. Шунда У зот ўринларидан турдилар. Атрофдагилар бу яҳудий кишининг жанозаси деб айтишди. Шунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам:

"أَلَيْسَتْ نَفْسًا" (رواه الإمام مسلم عن سهل بن حنيف وقيس بن سعد رضي الله عنهما).

яъни: **“У инсон эмасми?!”** дедилар (Имом Муслим ривоятлари).

Демак, биз инсонлик ҳурмати сабабли барча билан яхши муносабатда бўлишимиз керак бўлади.

➤ Расулуллоҳ вафотларидан олдин бир ғайридиндан буғдойни қарзга олиб, гаровга совутларини берганлар. Аслида Расулуллоҳ алайҳиссалом саҳобаи киромлардан ҳам буғдойни сўрасалар бўлар эди. Улар бир пасда муҳайё қилишар эди. Чунки саҳобаи киромлар “Жонимиз фидо, Эй Расулуллоҳ!” – деб турар эдилар. Расулуллоҳнинг мана шу муомалаларини ўзи ҳам биз умматларга катта дарс бўлган. Бир жамиятда, бир маҳаллада нафас олиб турганимиздан кейин, ўзга дин вакиллари билан яхши муомала ва муносабатда бўлишимизга ишора қилганлар.

Демак, биз суюкли Пайғамбаримизга ҳар қадамда эргашишга ҳаракат қилар эканмиз, бағрикенгликда ҳам У зоти шарифдан ўрнак ва андоза олишимиз даркор. Шундай экан, мўмин-мусулмонлар нафақат бир-бирларига балки, ўзга дин вакиларига ҳам яхши муомала ва муносабатда бўлиб, Ислом динини гўзаллигини намоён қилишлари керак.

Тарихдан маълумки, машхур тобиъинлардан Умар ибн Абдулазиз раҳматуллоҳи алайҳ адолатда “Иккинчи Умар” деган унвонга сазовор бўлганлар. Бу кишини адолатларини васфлашга тил ожизлик қилади. Бунга тарих гувоҳ. Умар ибн Абдулазиз раҳбарлик давларида Сурия пойтахти Дамашқда бир масжид кенгайтириладиган бўлди. Умар ибн Абдулазиздан олдинги халифа масжидни кенгайтириш учун масжид олдидаги насронийлар

ибодатхонасининг бир қисмини кўшиб олиш ҳақида қарор қабул қилган экан. Шу қарорга мувофиқ мусулмонлар насронийлар ибодатхонасини бузиб, масжидга кўшмоқчи бўлди. Шунда, насронийлар томонидан Умар ибн Абдулазизга “Бизни ибодатхонамизнинг бир қисмини бузиб, масжидга кўшиб олишмоқчи, деган маънода шикоят хати келди. Шунда Умар ибн Абдулазиз: “Масжидга кўшиш учун қанча жой бузилган бўлса, шуни қайтариб бериб, бузилган жойни қайта қуриб қўйилсин”, деган маънода жавоб хати ёздилар. Дамашқнинг баъзи уламоларига бу ёқмади. Уларнинг вакиллари бу қарордан қайтишни илтимос қилиб келишди. Шунда Умар ибн Абдулазиз: “Яхши келдингиз. Мен қарорда бир нарсани ёзишни унутибман. Шуни ёзишимга туртки бўлдингиз, унутган нарсам: қайтариб берадиган куннинг санасини ёзмапман”, – деб, қарорни янгилаб ва мустаҳкамроқ қилиб юбордилар.

Демак, динимиз кўрсатмаларига кўра, бошқа дин вакилларининг ибодатхоналарига тажовуз қилиш йўқ.

Азизлар! Бағрикенглик ва ўзгалар билан яхши муомала ва муносабатда бўлишнинг ҳикмати шуки, халқни бирлиги, ўзаро тинч-тотув, иттифоқ бўлиб яшаш, зиддият ва ихтилофдан қочишдир. Мана шунда, жуда кўп ютуқ ва турли соҳаларда катта марраларга эришилади.

Исломда бағрикенг бўлишни бир қанча кўринишлари мавжуд бўлиб, қуйида улардан баъзилари баён қилинади:

1. Ислом динимиз олди-сотти ва қарз талаб қилишда ҳам бағрикенг бўлишга чорлайди. Бу ҳақда Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар:

"رَحِمَ اللَّهُ رَجُلًا سَمَحًا، إِذَا بَاعَ، وَإِذَا اشْتَرَى، وَإِذَا افْتَضَى" (رواه الإمام البخاري عن جابر بن عبد الله رضي الله عنه).

яъни: **“Сотганда ҳам, олганда ҳам, қарзни талаб қилганда ҳам бағрикенг бўлган кишини Аллоҳ таоло раҳм қилсин!”** (Имом Бухорий ривоятлари).

2. Ислом динимиз қийналган кимсадаги ҳақни кечишда бағрикенг бўлишга тарғиб қилади. Бу ҳақда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қилганлар:

"مَنْ سَرَّهُ أَنْ يُنَجِّيَهُ اللَّهُ مِنْ كَرْبٍ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فَلْيَنْفَسْ عَنْ مُعْسِرٍ أَوْ يَضَعْ عَنْهُ"

(رواه الإمام مسلم عن عبد الله بن أبي قتادة رضي الله عنه).

яъни: **“Аллоҳ таоло Қиёмат кундаги машаққатлардан қутқариши кимни хурсанд қилса, камбагал бўлиб қолган қарздордан қарзининг барчасини ёки бир қисмини кечсин!”** (Имом Муслим ривоятлари).

3. Ислом динимиз хатто ёмонлик қилган қариндошга ҳам яхшилик қилишга ва силаи раҳмни узаман деган билан силаи раҳмни боғлаш йўлида бағрикенг бўлишга чақиради. Бу ҳақда шундай ривоят келган:

أَنَّ رَجُلًا قَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّ لِي قَرَابَةً أَصْلَهُمْ وَيَقْطَعُونِي، وَأَحْسِنُ إِلَيْهِمْ وَيُسَيِّئُونَ إِلَيَّ، وَأَحْلُمُ عَنْهُمْ وَيَجْهَلُونَ عَلَيَّ.

فَقَالَ: "لَئِنْ كُنْتَ كَمَا قُلْتَ، فَكَأَنَّمَا تُسِفُّهُمْ الْمَلَّ، وَلَا يَزَالُ مَعَكَ مِنَ اللَّهِ ظَهِيرٌ عَلَيْهِمْ مَا دُمْتَ عَلَى ذَلِكَ"

(رواه الإمام مسلم عن أبي هريرة رضي الله عنه).

яъни: **“Бир киши: “Эй Аллоҳнинг Расули! Менинг қариндошларим бор. Мен уларга силаи раҳм қиламан, улар уни узадилар. Мен уларга яхшилик қиламан,**

улар менга ёмонлик қиладилар. Мен уларга ҳалимлик қиламан, улар менга жоҳиллик қиладилар”, – деди. Шунда Расулуллоҳ алайҳиссалом: **“Агар сиз ўзингиз айтганингиздек бўлсангиз, худди уларга иссиқ қулни едираётгандексиз** (яъни, яхшилигингизни муқобилига ёмонлик қилишлари билан катта гуноҳ қиляётган бўладилар). **Модомики, шу ҳолда бардавом бўлар экансиз, Аллоҳ томонидан сиз билан бирга уларнинг қаршисига бир ёрдамчи бўлади**”, – дедилар” (Имом Муслим ривоятлари).

Бу ҳадиси шарифда қариндошлар ёмонлик қилсалар ҳам, уларга яхшилик қилишда бардавом бўлишга қаттиқ тарғиб бор.

Хулоса шуки, Ислому бу – бағрикенглик дини. Нафақат мусулмонлар ўзаро, балки ўзга дин вакиллари билан ҳам чиройли муносабатда бўлишга чақиради. Мана шуни биз ўзгаларга кўрсатиб, динимиз нақадар гўзал эканини яна бир бор намоён қилайлик! Афсуски, шуни кўрсата олмаяпмиз. Баъзида бошқа дин вакиллари биз мусулмонларни ҳатти-ҳаракатларимизни кўриб, ҳайрон бўлиб, булар қанақа одамлар экан деб қолишига сабабчи бўляпмиз.

Мухтарам азизлар! Маълумки, инсон умри тугагач унинг дунёдаги сўнги манзилгоҳи қабр ҳисобланади. Ҳозирда масжидларимизга туташ қабристонларда жума намозига келиш ёки жума намозини адо этиш асносида қабрларни устидан босиб ўтиш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда экан. Бу ачинарли ҳолатдир. Шариатимизда вафот этган кишининг ҳурмати, худди тирик инсоннинг ҳурмати каби қаралади. Шунинг учун мўмин-мусулмон киши қабрларни устини босмасдан, белгиланган йўлақларда юриши лозим. Қабрни устини босиб юриш гуноҳ ҳисобланиб, шариатимизда бундан қайтарилгандир. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Бирор чўғ ёки қилич устида юришим ёҳуд ковушимни кийиб турган ҳолатимда ямашим мен учун бирор қабрни устида юрганымдан яхшироқдир**”, деганлар (Имом Ибн Можа ривоятлари).

Аллоҳ таоло азиз ва мустақил юртимизда яшайётган барча миллат ва элатларни, тинч-тотув, ўзаро ҳурмат ва эътиборда истиқомат қилишларида мададкор бўлиб, она-Ватанимизни турли бало ва офатлардан ҳифзу ҳимоясида сақласин! Омин!

Ҳурматли имом-домла! Келаси жума маърузаси **“Ҳадислардан ҳукм олишга кимлар ҳақли”** ҳақида бўлади, иншааллоҳ.